



# ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 31 октябр, сешанба №159 (991)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## XXI АСРГА 61 КҮН ҚОЛДИ

Юртим, сенда экан насибам тугал,  
Сен ўзинг масканим, сен ўзинг шоним.  
Сен онам, сен синглим, ёримсам,  
азал,  
Эй, жоним, жаҳоним —  
Ўзбекистоним.  
Абдулла ОРДИНОВ.



Пискент туманидаги Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонасида асосан ёшлар меҳнат қилишади. Улар хорижлик мутахассислар ёрдамида касб сирларини пухта эгаллашди. Яқинда бу ерга яна 13 та замонавий тўқув дастгоҳлари келтирилди. Бу маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, иш ўринларини кенгайтириш имконини берди.  
**Суратларда: 1. Моҳир ишчи Хуришда Эркаева. 2. Сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамкасбларига намуна бўлаётган меҳнат зарбдорлари Рустам Абдурахимов ва Дилафруз Норматова. Даврон АХМАД олган суратлар.**

### Тадбиркор йўлидаги ров

## ТЕКШИРУВДА ТАСДИҒИНИ ТОПДИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан қўзланган асосий мақсадлардан бири мулкчи ҳақиқий эгаларига топширишдир. Шу боис, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уйдабурон кишиларга эркинлик бериш диққат-марказида бўлмоқда. Бунинг шарофати ила фермер хўжалиқлари ривожланиб, истеъмол бозори сархил неъматларга сароблашиб бормоқда.

Бироқ, кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, баъзи раҳбару мутахассислар, назорат идораларининг ходимлари тадбиркорлар йўлига сунъий тўсиқлар қўйиб, улар фаолиятига аралашиб, тараққиётга тўғанок бўлмоқда. Бундай ҳолатларга барҳам бериш, мулкдорлар қонуний манфаатини ҳимоялашда Адлия вазирлиги, унинг жойлардаги бўғинлари амалга ошираётган тадбирлар қўзғатган натижа-ни бермоқда.

Таъкидлаш жоиз, баъзи ҳолларда хўжалик субъектларини рўйхатга олиш, уларга шарт-шароит яратишда ўзибўларчиликка йўл қўйилмоқда. Шийпонлар деҳқоннинг чинакам оромгоҳига айлантирилди.

### Йигим-терим ва касабани уюшмалари

Хўжалигимизда сўнги гектарларнинг ҳосили йиғиштириб олинмоқда. Мухим иш Вазирлар Маҳкамаси Қарори асосида ташкил этилганлиги ялли сафарбарликни таъминлади. Юқори кўрсаткичларга эриш-ётган зарбдорлар сафи кўпайиб бормоқда. Хўжалик касабани уюшма кўмитаси теримчиларнинг унумли ишлаб, яхши дам олишлари учун қулай шароитларни муҳайё этган. Бепул иссиқ овқат, чой мунтазам тақдим этилмоқда. Шийпонлар деҳқоннинг чинакам оромгоҳига айлантирилди.

### ИЛФОРЛАРГА 10 МИНГ СЎМДАН

Яхши дам, меҳнатга ҳамдам. Бозорбой Мисиров раҳбарлигидаги туман маданият уйи санъаткорлари ўзларининг дилрабо куй ва кўшиқлари билан заршуносларга кўтаринки руҳ бахш этишмоқда. Маданий тадбирлар орасида ҳар ўн кунда энг кўп пахта терган оилавий пудратчиларга 10 минг сўмдан мукофот пули далаганин ўзида санаб берилапти.

**Э.КАҲХОРОВ,**  
Қумқўрғон туманидаги «Беш қаҳрамон» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти касабани уюшма кўмитаси раиси.

«Хамма ўрнидан турсин, суд келяпти» сўзларидан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий судида бошланган суд жараёнига тўпланганлар ўрнидан қалди. Фақат тўққиз айбланувчидан олтидаси ўрнидан турмади, чунки улар бу ерда йўқ. Улар адолатдан қочиб кетиш мумкин деган хомхаёл билан хориждаги ҳомийлари паноҳига беркинган.

## СУД ЖАРАЁНИ БОШЛАНДИ

Бироқ Олий судда Тохир Йўлдошев, Жумабой Хожиев, Салай Мадаминов, Муродилла Козиев, Улўбек Бобожон, Хомиджон Раҳмонов, Шовкат Каримов, Нажмиддин Джалолов, Йўлдош Умаров, Олимжон Абдувоҳидов, Усмон Шукуров ва Улўбек Махмудовга нисбатан бошланган суд жараёни ҳар қандай шароитда жиноятга жазо муқаррар эканлигини яна бир қарра исботламоқда. Улар қасддан одам ўлдириш, миллий, ирқий ёки диний адоват кўзғатиш, Ўзбекистон Республикаси Президентига, Конституциявий тузумига таъвоуз қилиш, кўпуровчилик, босқинчилик, жинойий уюшма ташкил этиш, транспорт воситасини олиб қочиш каби жинойий ишларни содир этишда айбланмоқда.

## ХАЛҚ НАФРАТИ

Эл назаридан қолган, эл нафрати ва қарғишига учраган кимсаларнинг икки дунёси қоронғудир.  
Меҳнатқаш халқ тинчини бузган, ҳатто инсон зоти пир устозлар дея эъзозлаган ўқитувчиларга тўланадиган иш ҳақини ўмаридан тоймаган ярамаклар қисмати бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.  
Бугун халқнинг сўнгисиз нафратига дучор бўлган, нафақат юртдошлари, ҳатто оқ сут берган оналари ҳам дуоибад қилаётган Тохир Йўлдошев, Жумабой Хожиев, Салай Мадаминов каби одамзот қиёфасидаги малъунлар учун жазо онлари етиб келди. Энди улар барча қабиҳликлар учун одил суд олдида жавоб беришади.  
Муқаддас Ислон динини ниқоб қилиб халқ бошига қулфат ёғдирган, ёлгон ваъдалару пуч гоаяларга ишонган қанчадан-қанча тажрибасиз ёшларнинг гулдек умрини хазон қилган шайтони лаинларга минг лайнат.  
Солиқ фарзандлар юртига содиқ ота-боболаримиз киндик қони томган муқаддас Ватанинг бир ҳовуч тулғорини жаҳон хазинасининг ариғига тенг машур «Кўчи нур» олмосидан ҳам орқиб кўришган. Уларнинг руҳларини чиқиратган, гўдакларни отасиз қолдирган, оналарни фарзанд доғида куйдирган ватангадоғлар қисмати қандай яқун топшини энди кундек равшан.  
Чунки элу юрт осойишталигига раҳна солишдек ёвуз ниятини дилига туқанлар устидан халқ ўз ҳукмини чиқариб бўлган.

**Шохрух Мирзо ЖўРАЕВ,**  
Бухоро.

## САНЪАТКОРНИНГ БАРҲАЁТ СИЙМОСИ

Мустақиллик байрамининг тўққиз йиллик танта-налари арафасида Президентимизнинг Фармони билан ўзбек адабиёти, мусиқа ва театр санъати раванқига бекиёс ҳисса қўшган бир гуруҳ марҳум ватандошларимиз «Буёқ хизматлари учун» ордени билан тақдирланган эди. Улар орасида ўзининг ноёб истеъдоди ва маҳорати билан халқимиз эҳти-ромига сазовор бўлган инсон - Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори Аброр Хидоят-ов ҳам бор. Унинг ижросидаги Алишер Навоий, Отелло, Гамлет сиймолари санъатсевар халқимиз қалбидан жой олибгина қолмай, жаҳон театршу-нослари томонидан ҳам эътироф этилган.

Тошкентдаги устоз санъаткор номи билан ата-лувчи Ўзбек давлат драма театрида ўзига хос мак-таб яратган истеъдод соҳиби Аброр Хидояттов та-валлудининг ўз йиллигига бағишланган хотира ке-часи бўлиб ўтди. Санъаткор умрининг сўнги кун-ларигагина ана шу театр сахнасида ижод қилган, ихлосмандларга олам-олам қувонч бахш этган. Мазкур тадбир Аброр Хидояттов хотирасига бағиш-ланган ёдгорлик лавҳасининг тантанали очилиши билан бошланди.

Кечада Маннон Уйғур номидаги Тошкент Дав-лат Санъат институтининг талабалари, «Ўзбекте-атр», «Ўзбекнаво» ижодий бирлашмалари жамоа-ларининг бадий-мусиқий дастурлари, Аброр Хидо-яттов ижро этган спектакллардан лавҳалар намои-йи этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг Давлат маслаҳатчиси А.Мелибоев сўзга чиқди.

**Назкат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири**

## ЯҚИН ШАРҚДА НИМАЛАР БЎЛМОҚДА?

Халқаро майдонда юз бераётган ижтимоий-си-ёсий воқеаларда Яқин Шарқ минтақаси муам-молари доимо муҳим аҳамият касб этган. Мана бир ойдан кўпроқ вақт ўтибдики, ушбу минтақадаги вазият кескинлашиб бормоқда. Октябр охирига-ча бўлган маълумотларга кўра, Исроил ҳарбий-лари билан галаён кўтарган фаластинликлар ўрта-сидаги тўқнашулар оқибатида 150 га яқин киши ноубуд бўлган. Буларнинг кўпчилиги қисмини ф-ластинликлар ташкил этгани. Бугунги кун воқеа-лари ўзининг ўта мураккаблиги, муроса йўлининг барбод бўлаётганлиги ва барча чигалликлар бил-лан 1967 йили ёки 70-йиллар бошларидаги ҳамда 1982 йил ёз ойларида юзгага келган нихоятда ҳа-тарли вазиятни эслатмоқда.

Исроил билан Фаластин ўртасидаги кескин муноса-батларни бартараф этиш мақсадида дастлаб париж-да музокаралар бўлиб ўтди. Албатта, ушбу музокара-ларнинг ўтказилишида Франция Президентини Жак Ширакнинг хизматларини алоҳида таъ-кидлаш ўринли бўлур эди. Париж учрашувида БМТ Бош қотиби, АҚШ давлат қоти-би, шунингдек, Исроил бош вазири ва Фаластин миллий маъмурий мухториятининг раҳбари иштирок этганлиги-нинг ўзи бу ажибманнинг ну-фуздан далолат беради. Аммо Париж учрашувида ҳам худди Кэмп-Дэвид му-зокараларида (2000 йил 11-25 июл) бўлгани каби Қуд-дуснинг сиёсий мақоми ма-саласидаги муаммони ҳал этиб бўлмади. Париж учра-шуви ижобий силжишларга олиб келмаган бўлса-да, у янги мулоқот йўли учун им-кон яратди. Тез орада Миср пойтахти Қоҳирада халқаро ҳамжамият раҳбари Кофи Аннан иштирокда музока-раларнинг навбатдаги дав-раси амалга ошди. Бироқ, Қоҳира учрашувида Ис-роил бош вазирининг ишти-рок этмаганини минтақада-ги аҳволнинг баттарроқ алағи олиши учун маълум даражада таъсир кўрсатди.

Кишининг эътиборини тор-тадиган яна бир муҳим жи-ҳат шундаки, Париж ва Қо-ҳира учрашувлари давом этаётган кунларда ҳам Ис-роилдаги мухолиф оқимлар, айниқса Ликуд партияси (бу партиянинг етакчиси Ариел Шарон) фаластинликларга ён бермаслик талабини ил-гарий сурди.

Табиийки, Исроил кнессе-ти (парламенти) ва мамла-катдаги консерватив кучлар-нинг ҳозирги ҳукуматга бо-да тинчликка эришишининг аниқ йўли, мақсад ва вази-фалари белгилан берилди. Лекин ушбу анжуманда қабул қилинган ахдиномаларга на Исроил томони на фаластин-ликлар амал қилапти. Бугун-ги кун воқеаларининг бош сабабларидан бири ҳам шунда бўлса керак.  
Масаланин яна бир му-раккаб томониға эътиборин-гизни қаратсак. Ҳозир Ис-роилда 6 миллион атрофи-да аҳоли истиқомат қилмоқ-

да, ҳатто катта миқдордаги молиявий-ҳарбий «мадад» ваъда қилишмоқда. Ҳўш, агар аҳвол шу тарзда давом этса, Яқин Шарқда мулоқот йўли очилмади? Албатта, йўқ. Минтақадаги вазият оғирлашганлигининг яна бир томони бор. Умуман араб дунёси 22 та давлат-дан иборат. Буларнинг ора-сида Миср, Судан, Жазоир каби худуди жуда катта бўлган мамлакатлар ёки

худудиға кўра анча кичик бўлган Кувейт, Баҳрайн, Қа-тар сингари давлатлар ҳам бор. Умуман араб дунёси аҳолисининг сони Исроил аҳолисига нисбатан салкам эллик марта кўпроқ. Араб давлатларининг Яқин Шарқ муаммоларини ечиш йўли-даги қарашларида туб фарқ бор. Улардан айримлари (асосан Миср ва Йордания) тинч музокаралар йўлини ҳимоя қилаётган бўлса, яна айримлари (Ироқ, Ливия, Судан, қисман Сурия) муам-мони ҳарбий-сиёсий воси-

### Минтақалар тинчлиги дунё тинчлигидир

Шундай бўлса-да, дунё-нинг турли мамлакатларида (АҚШ, Канада, Россия, Гер-мания ва бошқа давлатлар) бир неча миллион киши Ис-роилни ўзининг азалий ва-тани деб ҳисоблаётганлиги ни ҳам унутмаслик керак. Уларнинг орасида мислсиз сармоёга эга бўлган ёки жа-ҳон сиёсатида анча-мунча маъвеға эришган давлат раҳбарлари-ю, ҳарбий сано-ат мажмуининг бошлиқлари ҳам бор. Ана шу сиёсий до-ираларнинг айрим қисми Исроилдаги мухолиф оқим-

талар орқали ҳал этишининг тарафдоридир. Турғи, ми-нтақадаги сиёсий масалалар ёндошуведа бекарорлик йўлида ёки қутиш позиция-сида бўлаётган араб давлат-лари ҳам йўқ эмас.  
Кейинги кун воқеалари араб дунёсининг қайфияти ҳам Исроилға нисбатан му-росасиз эканлигидан дало-лат бермоқда. Жумладан, 22 октябр куни Қоҳирада Араб Давлатлари Лигасининг шо-шилчи йиғилиши бўлиб ўтди. Эътибор бериң-а! Бу учрашув Шарм аш-Шайх-даги йиғилишдан салкам бир ҳафта ўтган амалға ошди. Унда фаластинликларга 1 миллиард доллардан кўпроқ миқдорда ёрдам кўрсатиш-га келишиб олинди. Аммо, бу молиявий ёрдам қандай мақсадга қаратилган? Кат-та миқдордаги ёрдам янги Араб-Исроил мождорасига дебона бўлармикан ёки не орзу-умидлар билан бунёд бўлиши қутилаётган муста-қил Фаластин давлатининг оёққа туриб олиши учун кўмакми? Албатта, бу катта жумбоқ.  
(Давоми 2-бетда)

Ижтимоий ҳимоя

БИР КЎНГИЛ ИМОРАТИ, МИНГ МАККА ЗИЁРАТИ

Халқимизнинг бу доно нақлида чуқур маъно бор. Ҳаётда кўнгили овлаш, айниқса ёрдамга муҳтож, ногирон, боқувчисини йўқотган кишиларга мададкор бўлиш энг катта савоб. Республикаимиз Президенти, ҳукуратимиз мустақилликнинг дастлабки кунлариданок меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бу маддадан Оққўрғон туманидаги 200 га яқин оила аъзолари ҳам баҳраманд бўлишмоқда.

Туман хотин-қизлар кўмитаси Соғлом авлод йили муносабати билан аёллар, уларнинг фарзандлари хусусида алоҳида қайғурмоқда. Биз илоҳи борича маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида кўпроқ бўлиб, хотин-қизларимиз ҳаёти, орзу-интилишлари билан яқиндан танишмоқдамиз. Баъзи етишмовчиликлар, муаммолар жойида ҳал этилмоқда. Баъзида бир оғиз ширин сўз, қимматли маслаҳат ҳам инсон ҳаётини тубдан ўзгартириб юбориши мумкинлигига кўп бор ишонч ҳосил қилганман.

Бир мисол, «Маданият» жамоа ҳўжалигида истиқомат қилувчи Раҳима исми аёл билан суҳбатлашганимда, оиласи иқтисодий жиҳатдан қийналаётгани ҳақида гап очди. Маҳалла фаоллари билан ҳамжиҳатликда болажон оилага мадад кўрсатилди. Сўнг, Раҳимахонга томорқадан унумли фойдаланиш, парранда ва мол боқилишининг афзал томонларини ўргатди. Аёл фарзандларини ёнига олиб, ишга киришди. Муайян вақт ўтди. Эндилдики уларнинг ўйларига кирсангиз, ҳавасингиз келади. Қўраларда қўй-қўзи, қўшалоқ сиз сиз сиз бериб турибди. Қолаверса, ошқўк етиштириб, яхшигина даромад ҳам олишяпти. Демак, қандай яшаш, ким бўлиш аввало инсоннинг ўзига боғлиқ.

Сигири бор уйдан сут-қатиқ аримайди, касал нари юради. Шу боис, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, Қизил ярим ой жамияти билан ҳамкорликда кўпбололи оилаларга соғин сизир сизир олишларида қўлимиздан келган ёрдамни аямасдик. Боқувчисини йўқотган оилалар учун 241 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари улашилди. 109 нафар болага кийим-бош совға қилинди. Ҳозирча ажратилаётган маблағлар унча кўп бўлмаса-да, улар муайян даражада кишиларга руҳ ва мадад бағишлаётганидан хурсандимиз.

Ҳозирги кунда маҳаллаларнинг роли ниҳоятда катта. Оқсоқоллар, ишбилармон кишилар кўпгина савобли ишларга бош-қош бўлишмоқда. Шу ўринда «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги бошқаруви раиси Э.Ниёзов саяб-ҳаракати ҳақида тўхталиш жоиз. У 50 нафар боланинг суннат тўйини ўтказишда жонболик кўрсатди. Бундан ташқари, пахтакорлик касбини улуғлаётган 100 нафар жамоа аъзосига Товоқсойдаги ажайиб санаторияда даволаниш учун бепул йўлланма ташкил этди. Соғлом авлод йили муносабати билан белгиланган тадбирларимизда бундай савобли ишлар кўп.

М.СУЛТОНСАИДОВА, Оққўрғон тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси.



Қашқадарёнинг Майманок қишлоғидаги «Садоқат» деб номланган бичиш-тиқиш цехида ойига 6 мингга яқин аҳоли буюртмаси бажарилади. Чеварлар томонидан тайёрланаётган замонавий, гўзал либослар барчага маъқул бўлмоқда.

Суратда: ўз ишининг усталари М.Тўймуродова ва М.Абдуназаровалар.

З.РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

«АЙЛИН»НИНГ 50 ХИЛ МАҲСУЛОТИ

«Айлин» компанияси Ўзбекистонда ўз фаолиятини 1996 йилда бошлади. Бир йилдан сўнг Охангарон туманида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона маҳсулот бера бошлади. Туркия ва Италиядан замонавий ускуналар олиб келинди. Ўзбек ва турк мутахассислари 200 нафарга яқин ёшларни махсус курсларда ўқитиб, касб сирларини пухта ўргатдилар. Натижанда маҳсулот тури уч йил ичида 50 тага етди.

Корхонада иш ўсменада ташкил этилган. Меҳнатчиларнинг 70 фоизини аёллар ташкил этади. Уларга ҳар томонлама шароитлар яратилган. Вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтадилар. Тунги сменадагиларга энг лаззатли наёматлар тортиқ этилмоқда. Мукофот пули мунтазам бериб боришмоқда. Ойлик маош ўрта ҳисобда 20 минг сўмни ташкил этмоқда.

Ҳозирги кунда қўшма корхона маҳсулотлари хорижга ҳам экспорт қилинапти. Айниқса, Қозғистон, Қирғизистонга кўплав юк машиналари жўнатилмоқда. «Айлин» компанияси савобли ишларга ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда. У Чилонзор туманидаги 23-Меҳрибонлик уйи ҳамда Охангарондаги қариялар уйини отадиққа олган. Бундан ташқари Ўзбекистон телерадиокмпаниясининг «Олтин тоқ», «Омад юлдузи» дастурларининг доимий хомийсидир.

Д.ЖОЗИЛОВ, Ш.КЎШМУРОДОВ.

КОММУНАЛ ХАРАЖАТЛАР МАЪМУРИЯТ ҲИСОБИДАН

Кўмитамиз мутасадди ташкилотлар, уюшмалар билан ҳамкорликда тузилган битимлар, жамоа шартномалари асосида иш олиб бормоқда. Ҳозирги кунда янги иш ўринлари яратиш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, ишловчилар фарзандларини соғломлаштириш масалаларида алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Умид» савдо ишлаб чиқариш жамоаси 50 та кам таъминланган оила, 200 нафар пенсионерга моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Жойларда бўлганимизда, маҳалла оқсоқоллари қимматли таклифлар, йўл-йўриқлар кўрсатишади. Нуронийлар маслаҳатига амал қилиб, 14 та кам таъминланган оиланинг электр энергияси, сув ва газ харажатлари ташкилот ҳисобидан қопланмоқда. Яқинда «Мен савдогар фарзандиман» кўрик-танлово ўтказилди. Бир вақтлар бой

бўлишдан, савдогар сўзини ишлашга қадмалар чўчирдик. Энди эса тадбиркорликка, ҳалол меҳнат билан мўмай даромад олишга кенг йўл очилди. Кўрик-танловда голиб деб топилган Ўзбекистон туман «Матлуботсавдо» акционерлик бирлашмаси ходими фарзанди С.Абдурахмонов республика миқёсидаги беллашувда иккинчи ўринни эгаллади. Мустақил Ўзбекистонимизда кўз-кўз қилса арзийдиган ажайиб қадамлар кўп. Одамларимиз зиёратлардан олам-олам таассуротлар билан қайтмоқдалар. Энг муҳими, уларда миллий руҳ чуқур илдиз отмоқда. Яхши ишларимиздан яна бири спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганидир. Қизиқarli мусобақалар, спартакиадалар баркамол авлодни шакллантиришда беқиёс рол ўйнамоқда. Жорий йилнинг июл ойида Аҳмад ал-Фарғоний номидаги дам

олиш уйда ажайиб спартакиада бўлиб ўтди. Унда 200 га яқин спортчи куч синашди. Риштон тумани «Матлуботсавдо» ходимлари бош совринни қўлга киритдилар. Ишимизда ҳали камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Баъзида яхши тадбирлар белгиланади. Бироқ улар ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмаганлиги тўғрисида қўзғалдирилган. Ишловчиларга қулай иш шароитлари яратиш, уларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш йўлида қишлоқларда ҳали кўп иш қилиниши керак.

У.САЙДАМАТОВ, Фарғона вилояти савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касабаси уюшмаси кўмитаси раиси.

ТОВОН ПУЛИ

ундириладиган бўлди

Дилбарой икки йил бола тарбияси таътилида бўлди. Кенжаси Дилнаво туғилгач, етти нафар фарзанднинг онаси бўлди. Уйлаб қараса, жўжабирдай она, умрдошининг топгани рўзгордан ортмапти. Аргамчиға қил қувват деганларидек, у қадрдон корхонасида ишини давом эттиришга жазм қилди. Дилбарой яхши кайфиятда «Наманганкабель» корхонасининг Чортоқдаги бўлимига кириб борди. Қабулхонада котиба бошлиқ ўзгарганини, ҳозир Сирожиддин Насриддинов раҳбарлик қилаётганини айтди. Меҳнатчиға барибир эмасми, қонуний иш жойида фаолият бошлашга рўхсат этишса бўлгани. У ийманибгина ичкари кирди.

— Корхонада иш юришмаяпти, хом ашёдан қийналяпмиз. Шу боис, сизга бир нарсана дея олмайман, — деди С.Насриддинов қўлидаги рўчкани билан столи таяқчилиб. — Ҳозиргина дугоналарим билан фикрлашдим, бизнинг цехимизда иш бир маромада кетаётган экан.

Раҳбарнинг энаси қотди. Кейинроқ келинг, ҳозир жуда бандман. Шу тариха келиб-кетиллар, бошлиқ ҳузур

рига кириш учун соатлаб навбат кутишлар кўп бора такрорланди. Жавоб эса ҳамон бирдек эди: кейинроқ келинг, шароитни ўрганиб, тайинли гап айтман.

Шу тариха ишчи уч ой қатнади. Вақт йўқотиб, йўлкари сарфлаб, сарсон бўлди. Сабр косаси тўлғач, ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилиш учун тегишли жойларга мурожаат қилишини билдирганида, С.Насриддинов тўтқиқ кетди: — Қаерга хоҳласанг боравер, корхонада янча ҳўжайини ўзим, фаолиятимизга ҳеч ким аралашолмайди.

Д.Камолова масалани кўндалан қўйганида, энди филиал раҳбари менга ёзма равишда мурожаат қилмагансан, иззатингни билмадинг, энди бўшаш учун ариза ёзсан, дейишгача бориб етди. Саросимага тушган ишчи Наманган вилояти касабаси уюшмалари Кенгашига ёрдам сўраб борди. Масалани ётиги билан тушунтиргач, бош меҳнат-хуқуқ нозирини Ғофуржон Каримов адолатни юзага чиқаришга киришди.

Раҳбару мутахассислар билан қилинган

Касаба уюшмалари аралашуви билан

суҳбатларда турли баҳоналар рўқач қилинди. Бироқ ҳар қандай шароитда ҳам қонун ким томонда бўлса, ўша ютади.

Текширув якунига кўра, Меҳнат ҳуқуқи инспекцияси тўғрисидаги Низом талаблари асосида буйруқ тайёрланди. Унга кўра, Д.Камоловани иш билан таъминлаш, мажбуран бекор юрган вақти учун ўртача иш ҳақи, шунингдек, қўшимча харажатларни қоплаш юзасидан С.Насриддиновга талабнома тақдим этилди.

Бироқ орадан муайян вақт ўтган бўлса-да, адолат юзага чиқарилмади. Шундан сўнг, бош меҳнат-хуқуқ инспектори томонидан даъво аризаси тайёрланиб, Чортоқ туман судига мурожаат этилди. Бу жабрланувчи илтимоси эди. Сайёра Ҳоидова раислигида ўтган суд мажлиси даъво аризани атрофлича ўрганиб чиқиб, ишчи Д.Камоловани талабларини ўринли, деб топди. Суд қарорига кўра у олдинги ишга тикланди. Бекор юрган вақти, шунингдек, суд харажидида бўлган харажатларини қоплаш учун товон пули ундириладиган бўлди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

Нукус шаҳрида иккинчи автошоҳбekaт фойдаланишга топширилди. «Жанубий шоҳбekaт»дан пойтахт Тошкент ва мамлакатимизнинг бошқа йирик шаҳарларига, Қорақалпоғистоннинг йироқ туманларига ўн беш йўналишда автобус қатнови йўлга қўйилди. Кунига 500 йўловчиға хизмат кўрсатадиган ушбу маскан барча қулайликларга эга. Шоҳбekaт «Ўзавтотранс» корпораци-

яси томонидан миллий меъморчилик аънаналари асосида бунёд этилди.

Томди туманидаги қоракўччиликка ихтисослашган «Оёққудук» ширкат йўналиши марказида автомат телефон станцияси фойдаланишга топширилди. Бу олиқ Қизилқум яйловларида меҳнат қилаётган чўпон-чўликларнинг ҳатто хориж билан мулоқот қилишлариға ҳам имкон яратди. АТС қурилишини Навоий электр алоқа ишлаб чиқариш давлат корхонаси мутахассислари амалға оширди.

ида Фаластин заминидан Исроилнинг каттагина армияси олиб кетилган эди. Энди эса бу қўшинлар ўзлари учун бир пайтлар «доимий қароргоҳ» бўлган жойларға қайтиб кела бошлади. Яқинда Исроил ҳуқуқий бириклик ҳукумати тўзи ҳақидаги бош вазир Яҳуд Баракнинг тақлифидан ҳам эрта-индин Исроил

ларнинг бу тарзда давом этиши Исроил ҳукуматида ҳам маълум ўзгаришларға олиб келишини тахмин қилиш мумкин. Ҳозирнинг ўзида ўнг қанот сиёсатчиси — Ликид партиясининг раҳбари Ариел Шарон миллий бириклик ҳукуматини тўзи ҳақидаги бош вазир Яҳуд Баракнинг тақлифидан ҳам эрта-индин Исроил

вазир-генерал-лейтенант Яҳуд Барак, иккинчиси Исроилнинг собиқ мудофаа вазири, армия генерали Ариел Шарондир. 73 ёшдан ошган Шарон арабларға қарши олиб борилаган йирик ҳарбий ҳаракатларнинг ташаббускори ва ижросини бўлган. 1982 йил

(Боши 1-бетда)

Минтақадаги сиёсий бекарорлик авжига чиқётган шу онларда турли экстремистик оқимларнинг ҳаракати ҳам ярага туз сепиш билан баробардир. Масалан, «Ҳамас» экстремист гуруҳи Исроил билан ҳеч қандай музокаралар олиб боришмаслигини талаб қилмоқда. Ҳарбийлашган жангари ўраб — «Ҳезболлоҳ» отрядлари эса аллақачон кўпурувчилик ва мурасасизлик йўлиға ўтиб олган. Маълумки, шу йил май ойида Ливан жанубидан Исроил қўшинларининг олиб чиқиб кетилишида ўзини «ҳал қилувчи куч» ва «голиб томон» деб ҳисоблаган ушбу жангари гуруҳ ҳозиргача Исроил ҳарбийларидан бир нечасини нобуд қилган. Мана бу ҳолат фаластинликларнинг бугунги кунини унчигана эмас, балки келажаги учун ҳам фожеа ёки парокандалик келтириши эҳтимолдан холи бўлмайди. Уларнинг энг йирик ташкилоти «ФАТХ» деб аталади. Фаластин Озодлик Ташкилотининг асосий қаноти бўлган «ФАТХ»ға ҳам Ёсир Арофат етакчилиги қилмоқда. Шу кун воқеалари Фаластин Озодлик Ташкилоти Ижроия Кенгашида, шунинг-

дек, «ФАТХ»да жиддий ихтилофлар ва келишмовчиликлар мавжудлигини намойиш этапти. Ушбу ташкилотнинг куйи органлари раҳбарлари Ижроия Кенгашининг қарорларини, аниқроғи Фаластин миллий маъмурий мухторияти бошлиғи Ёсир Арофатнинг кўрсатмаларини бажаришдан бош тормоқда.

Айнан шу каби ҳолатлар Фазо сектори ва Иордан дарёсининг гарбий соҳилидаги аҳолини бутунлай издан чиқариб юборди. Фаластинликлар нисбатан кўпроқ бўлган Қуддуснинг шарқий қисмида ҳам вазирий ўта бекарор бўлиб турибди. Бу ҳудудда Фаластин болалари ва ёшларининг «тош отиш машқи» ва баъзи ҳолларда ўт очувчи курол-яроғ билан ҳаракат қилаётганлиги янги-янги қурбонларға сабаб бўлмоқда. Мархумларни дафн этиш ҳам фақат сиёсий мақсадға қаратилганлиги, яъни ҳалок бўлганларни қабристонға эмас, балки Исроил ҳарбийлари назорат қилаётган жойларға олиб борилиши норозиликнинг бир кўринишидир. Шу тариха Фаластин Озодлик Ташкилоти (ФОТ) миллий мухторият ҳуқуқи берилган ҳудудда умумий назоратни

қўлдан бериб қўйди. Ваҳоланки, 1993 йил 13 сентябрда Вашингтонда эришилган Исроил-Фаластин тинчлик аҳдномасига мувофиқ (бу ҳужжатда фаластинликларға мухторият ҳуқуқи берилишиға келишилган) Фазо сектори ва Иордан дарёсининг гарбий соҳилидаги 40 фоиз жойда умумий назорат Фаластин полициясиға юкланиши таъкидлан-

ган эди. Шундай ҳам бўлди. Аммо бугун-чи? Бугун ушбу ҳудудларға яна Исроилнинг сараланган ҳарбий қисмлари, замонавий танклар-ю, вертолётлари сафарбар этилган. Уларни 1967 йилда бўлган Иордан Шарм аш-Шайх келишувлариға вақтинчалик нуқта қўйилганлигиға ишоратдир. Ана шу бир томонлама кескин ва хатарли қарор эълон қилинган замонақ фаластинликлар раҳбари Ёсир Арофат 15 ноябр кунини пойтахт Қуддус бўлган Фаластин Давлатининг мустақиллиги эълон қилинишини билдирди. Яқин Шарқдаги воқе-

ларнинг бу тарзда давом этиши Исроил ҳукуматида ҳам маълум ўзгаришларға олиб келишини тахмин қилиш мумкин. Ҳозирнинг ўзида ўнг қанот сиёсатчиси — Ликид партиясининг раҳбари Ариел Шарон миллий бириклик ҳукуматини тўзи ҳақидаги бош вазир Яҳуд Баракнинг тақлифидан ҳам эрта-индин Исроил ҳукумати тепасиға фаластинликларға нисбатан ўта қаттиққўл радикал ёки консерватив кучлар келиши эҳтимолдан дарак беради. Сиёсий кузатувчиларнинг эътирофи қилишича, Исроил давлатининг 50 йилдан кўпроқ давр мобайнидаги ҳукуматлари орасида бош вазир Яҳуд Барак энг заиф ва идора услуби самарасиз бўлганлиги билан ажралиб туради. У 1999 йилнинг май ойида ҳукумат тепасиға келган эди. Яқин ўтмишға назар солсак, бугун Исроилнинг сиёсий ҳаётида истеъфодаги икки генерал рақобатлашаётганлигини кўрамай. Бири бош

нинг сентябрида Сабра ва Шатиладаги фаластинликларға қарши оммавий қирғинларнинг ташкилотчиси ҳам ўша кезлари мудофаа вазири бўлган Шарон эди. Табиийки, бу мисоллар Яқин Шарқда бўлаётган воқеаларнинг бундан бунёнги ривожини қандай давом этиши мумкинлиги ҳақида оз бўлса-да тасаввур ҳосил қилади. Инсоният янги — XXI асрга тинчлик ва барқарорлиги ўстивор бўлган, эзгулик, озод ва эркин яшаш тантанаси, дўстлик ва биродарлик голиб бўлган шароитда кўпчиликнинг исоматида. Афсуски, айрим

минтақалардаги сиёсий-ҳарбий жараёнлар бу орзу-умидларни йўққа чиқариши мумкин. Шундай мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳолатда БМТнинг таъсирини ошириш, хусусан, унинг Яқин Шарқ минтақасидаги нуфузини мустаҳкамлаш замон талабидир. Европа Иттифоқи ва Европада Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕОҲТ) мамлакатлари ҳам бу эзгу мақсад йўлида халқорам ҳамжамиятға яқиндан ёрдам бермокчилигини таъкидлапти. Бугун замон Яқин Шарқ минтақаси учун Мадрид руҳи қайта тикланишини ҳам ўртаға қўймоқда. Чунки бундан тўққиз йил аввал Яқин Шарқда тинчликка эришиш учун жиддий кадам қўйилган эди. Ана шу халқорам конференциянинг ҳамраислари АҚШ ва Россия эканлигини, улар бу ҳуқуққа ҳозир ҳам эгалигини, демак айнан мана шу имкониятдан ҳаҳон барқарорлиги йўлида фойдаланиш зарурлигини дунё аҳли талаб қилмоқда. Яна бир ҳолат. Яқин Шарқ муаммосининг бош сабаби араблар билан Исроил экан, демак араб дунёси ҳам ара-

Қобилбек КАРИМБЕКОВ, сиёсий шарҳловчи.

Яқин Шарқда нималар бўлмоқда?

### Саволларингизга ҳуқуқшунос Ҳамидулла Премқулов жавоб беради.

**САВОЛ:** ишга қабул қилинаётган фуқарони иш берувчи қандай ҳужжатлар билан таништириши керак?

**Ю. Қаландарова, Гурлан тумани.**

**ЖАВОБ:** Меҳнат шартномаси ва ишга қабул қилишни расмийлаштириш ҳақидаги буйруқ билан ходим имзо чектирилган ҳолда таништирилиши шарт. Аммо улардан олдин таништирилиши керак бўлган ҳужжатлар ҳам мавжуд. Улар қуйидагилар: топширилган иш (лавозим) йўриқномаси, жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиб-қоидалари, корхонада мавжуд бўлган турли Низомлар (масалан, мукофотлаш ҳақидаги низом) дир. Шунингдек, ишга қабул қилиш расмийлаштирилган сўнг унинг меҳнат дафтаридаги ёзувни акс эттирадиган кадрлар бўлимида юритилган, Т-2 формадаги карточкадаги ёзувлар билан ҳам ходим имзо чектирилган ҳолда таништирилади. Шу ҳужжатлар билан ўз вақтида таништирилмасликнинг юридик оқибатлари иш берувчи учун ҳам, ходим учун ҳам кўнгилсиз вазиятлар келтириб чиқариши мумкин. Маълумки, иш вақтининг бошланиши, тугashi, тушиқ вақти ва шу қабул қилинган корхонанинг ички меҳнат тартиб-қоидаларида белгилаб қўйилади. Ходим корхонанинг ички меҳнат тартиб-қоидалари билан таништирилмаган. Агар ходим ишга кеч келиши ёки барвақт кетиб қолиши каби интизомсизликларга йўл қўйган бўлса,

судга даъво қилиш ҳар доим ҳам иш берувчининг фойдасига ҳал бўлавермайди.

**САВОЛ:** ишга қабул қилишда қимлар билан меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилди? **Н. Шониёзов, Кўқон шаҳри.**

**ЖАВОБ:** аввалда амалда бўлган Меҳнат қонунлари Кодекси меҳнат шартномаларини ҳам ёзма, ҳам оғзаки шаклда (ходим ишга қабул қилишнинг сўраб ариза ёзган ва иш берувчи уни ишга қабул қилиш ҳақида буйруқ чиқарган ҳолда иш бошлаган бўлса, шартнома «оғзаки» тузилган деб қараларди) тузилган бўлиши мумкин. Бундан ташқари 1996 йил 1 апрелдан амалда киритилган янги Меҳнат Кодексида ҳам ўз аксини топган. Демак, шу вақтдан бошлаб барча ишга жойлашадиганлар билан меҳнат шартномалари ёзма равишда тузилиши керак. Бунга қадар ишга жойлашганлар билан оғзаки шартнома тузилган бўлса ва меҳнат шартларида ўзгариш бўлмаса ёзма шаклдаги шартномани тузиб қўйишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади, иш берувчи эса бир тарафлама талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас. Шу ўринда юқорида айтилган «меҳнат шартлари» га тушунча бериб кетиш мақсада мувофиқдир. Меҳнат шартлари деган-

да меҳнат жараёнидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омилини тушунилади.

Ижтимоий омилилар жумласига иш ҳақи миқдори, иш вақтининг, таътилнинг мuddати ва бошқа шартлар кирди.

Техника, санитария, гигиенага оид, ишлаб чиқариш - майиш ва бошқа шароитлар ишлаб чиқариш омилини ҳисобланади.

**САВОЛ:** меҳнат шартномаси тузилмасдан ходим ишга қўйилган тақдирда қандай оқибатлар келтириб чиқариши мумкин?

**С. Сарсенбоева, Нукус шаҳри.**

**ЖАВОБ:** Меҳнат Кодексининг 82-моддасига кўра, ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганлигидан (шартнома тузилганими ёки йўқми, буйруқ чиқарилганими ёки йўқми, керакли ҳужжатлар талаб қилиб олинганими ёки йўқми ва ҳоказо.) қатъий назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади. Қонуннинг айнан шу талабига асосланиб «энди шартнома тузмаса ҳам бўлаверади» деган хулосага келиш нотўғридир. Чунки ходимга иш ҳақи тўла-наши зарур. Иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш учун эса бухгалтерияга асос бўладиган ҳужжатлар керак бўлади. Булар ходимни ишга қабул қилинганлиги

ҳақидаги буйруқ. Бу буйруқни чиқариш учун эса юқорида айтилган модданинг биринчи қисмига биноан меҳнат шартномаси бўлиши лозим. Демак, меҳнат шартномаси бўлмаса иш берувчи ходимни ишга қабул қилиш ҳақида буйруқ чиқара олмайди. Буйруқ бўлмаса бухгалтерия иш ҳақини ҳисоблаб чиқармайди. Бухгалтерия иш ҳақини ҳисоблаб чиқармаса ходимга иш ҳақи тўланмаслиги аниқ. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, меҳнат

## ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

ПРЕСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ

ОПТИ ВАХТ

шартномаси тузилмасдан ходим ҳақиқатда ишга қўйилган тақдирда ҳам кейинчалик шартнома тузилиши керак ва бундан ходимнинг бош тортиши у билан меҳнат муносабатларини Меҳнат Кодексининг 106-моддаси 4-бандига асосан, яъни ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилганлиги муносабати билан тўхташга асос бўлади.

### Саволларингизга Ўзбекистон КУФК меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон Исаев жавоб беради.

**САВОЛ:** оиламизнинг йил давомидаги барча даромадлари кўшиб ҳисобланганда ва уни жон бошига бўлганда белгиланган меъёрдан ошиб кетмаса-да, келимининг 16 ёшга тўлган боласи бор оилаларга бола парвариши учун тўланадиган нафақаси тўхтатиб қўйилди. Фуқаролар

си қарори билан амалга оширилади. Мазкур нафақани тайинлаш ва тўлашга оид (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 4 июнда 740-рақам билан рўйхатга олинган) услубий кўрсатмаларнинг 4-бандига Сиз кўтарган муаммага тааллуқли изох берилган. Унинг мазмунидан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳақиқатдан

органиларининг ҳақиқий эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ажратилаётган пул маблағлари лимитларини ҳар чоракда қайта кўриб чиқишлари лозим.

**САВОЛ:** мен жазони ижро этиш муассасасида касабани ўқимасининг раиси бўлиб ишлайман. Бизнинг муассасада зобитлар билан бир қаторда эркин ёлланма ходимлар ҳам ишлайди. Маҳкумлар билан ишлашнинг ўзига хос муаммолари бўлгани учун 15 фоиз қўшимча ҳақ тўланади. Ана шу ишимиздаги зарарли томонлар пенсияга чиққан пайтларда ҳам ҳисобга олинадими? Яъни, бирор бир кафолатлар бериладими?

**Б.ЖУРАЕВ, — жазони ижро этиш муассасаси касабани ўқимаси раиси.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли Қарори билан тасдиқланган умумий белгиланган ёшга 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, вазифалар ва кўрсаткичларнинг 3-сонли рўйхатига жазони ижро этиш муассасаларида ишлайдиган эркин ёлланма ходимлар алоҳида назарда тутилмаган. Шу боис, мазкур ходимларнинг имтиёзли тарзда пенсияга чиқиш ҳуқуқларини тасдиқлаш учун ҳар бир муайян ходимнинг бажарётган иши, касби, вазифаси ва кўрсаткичлари юқорида айтиб ўтилган 3-сонли рўйхатга мувофиқлигини иш ўринларини аттестация қилиш орқали аниқлаш тақозо бўлади.

Жиззах вилоятида жорий йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан аёллар ўртасида жиноят содир этиш кескин камайди. Бу — ҳуқуқ-тартибот идораларининг кенг жамоатчилик билан ҳамкорликдаги фаолияти самарасидир.

### ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР — ОММАГА

Хушёрликка ундовчи, огоҳликка даъват этувчи тadbирларни мунтазам амалга ошириш мақсадида вилоят прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари, қонун талабларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари хотин-қизлар ўртасида кенг ва атрофлича тушунтириб боришмоқда. Шунингдек, «Ёшлар тарбияси — келажак меваси», «Оллоҳ қалбимизда-юрагимизда» сингари мавзуларда суҳбатлар ўтказилиб, лекциялар ўқилмоқда.

**А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.**

### Газетхон илтимосига кўра ХУСУСИЙ НОТАРИАЛ ИДОРА унинг маъқул томонлари нимада?

**Олмалик шаҳрида кўпқаватли иморатлардан бирининг биринчи қаватида хусусий нотариал идора иш бошлаганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ унинг миқозлари сонини тобора ортиб бормоқда. Ҳўш, мазкур хусусий тармоқнинг одамларга маъқул бўлаётган афзал томонлари нимада?**

Авалло, хоналар ёруғ, керакли жиҳозлар билан таъминланган. Иш жараёнлари компьютерлар ёрдамида амалга оширилади. Миқоз қадам ранжида қилиши билан идора ходими томонидан илтиқ қарши олинади. Унинг мақсади аниқланиб, ҳужжатлари назардан ўтказилади. Бунинг аҳамияти шуки, ҳужжатлар-

ди. Хусусий нотариал идорадаги шароит, миқозларга эътибор барчага маъқул тушмоқда.

Суҳбат жараёнида муаммолар ҳам борлиги маълум бўлди. Жумладан, нотариус фаолиятини юритиш ҳуқуқи ва лицензия амалдаги Низом бўйича фақат бир кишига — раҳбар А.Шариповга берилган экан. Агар уни қаергадир чақириб қолинса, идора фаолияти тўхтаб қоларкан. Миқозлар тақлифи шуки, раҳбар ёрдамчиси, олий юридик маълумотга эга бўлган кишига ҳам юқоридаги ваколатлар берилса, узлуқсиз хизмат кўрсатиш имконияти яратиларди.

**Т.ҲАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири.**

### ТАРҒИБОТЧИЛАР ЁШЛАР ОРАСИДА

Вояга етмаган ўқувчи ёшлар билан ишлаш халқ таълими тизими ходимларининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Республика «Маънавият ва маърифат» марказида ўтказилган анжуман ҳам айнан шу масалага бағишланди. Анжуман қатнашчилари Тошкент вилояти мактабларида вояга етмаган болалар ўртасида олиб борилаётган ахлоқий ва мафкуравий ишларнинг бугунги аҳволи билан ҳам танишдилар. Бу ҳақда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег Тожиев маъруза қилди. Тарбия соҳасида шакланган бой анъаналарни тарғиб қилиш тўғрисида «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбарининг муовини Султонмурод Олимов гапириб берди. Қўрилган масала юзасидан ишлаб чиқилган тавсиянома вилоят мактабларига тарқатилди.



Маҳалла фаоллари билан мулоқот кўп нарса беради.

**Акбар АЛИЕВ.**

### ПРОКУРАТУРАЛАР ҲАМКОРЛИГИ

**Хитой Халқ Республикаси Олий халқ прокуратураси ҳамда Осиёда жиноятчиликнинг олдини олиш жамғармасининг тақлифига биноан Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг делегацияси халқаро конференцияда иштирок этиш учун Хитой Халқ Республикасида бўлдилар.**

— Бугунги кунда ҳар томонлама ривожланиб бораётган Ўзбек-Хитой муносабатлари юқори поғонага кўтарилмоқда. Икки мамлакат ўртасида сиёсий-иқтисодий йўналишлар, коммуникация соҳаси, маданият ва туризм жабҳаларидаги алоқалар ижобий натижалар

нома имзоланган. Ташриф кунларида Ўзбекистон Бош прокурори Рашид Қодиров ХХР Олий халқ прокуратураси Бош прокурори Хон Чжубин билан учрашди. Учрашув чоғида «Хитой Олий халқ прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисида»ги Битим имзоланди. Шунингдек, ҳамкорлик доирасида Пекиндаги умумхитой халқ йигини вакиллари биносидан

### ОҚСОҚОЛАР МУЛОҚОТИ

«Маҳалла» жамғармасида Тошкент шаҳар оқсоқоллар кенгаши билан Қозғистоннинг Чимкент шаҳри «Спортивный» ўзини-ўзи бошқариш қўмитаси раиси К.Байбитов бошчилигидаги делегация ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида савдо-иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалар бўйича алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Музокаралар якунида ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган ҳужжат имзоланди.

**(ЎЗА).**

### НОҚОНУНИЙ БУЙРУҚ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Қизик, кўз олдимизда тузуққина ишлаб, мисқоллаб обрў орттирган ишловчиларга баъзи раҳбарлар томонидан ноўрин жазолар қўлланилади. Яъни, эгаллаб турган вазифасидан бўшатилсади. Кўпчилик бунинг ноқонунлигини билса-да, «менга тегинмаса бўлди-да» деган ўй билан томошабин бўлиб тураверади. Ноҳақ жабрланган ишчининг руҳий ҳолатини бир тасаввур қилиб кўринган.

Ана шундайлардан бири Қумқўрғон тумани ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимёвий тадқиқотлар маркази раҳбари Чори Шуқуров маркази раҳбари Чори Шуқуров вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимёвий тадқиқотлар маркази директори А.Ҳайитмуродов уни гайри-қонуний лавозимидан бўшатганини маълум қилиб, ўз вазифасига тиклашда ёрдам сўраб вилоят агроаноат мажмуи ходимлари касабани уюшма қўмитасига ариза билан мурожаат этди.

Аризанг аниқ далилларга асосланганлигини ўқиб, муаллифга хайрихоҳ бўлмасликнинг иложи йўқ.

Ч.Шуқуровнинг аризаси Меҳнат Кодексининг 9-моддаси 2-банди, Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари ҳақида»ги қонун талабларига биноан текшириб чиқилган, қуйидагилар аниқланди: Чори Шуқуров шу йил 13 июлдаги 19-сонли буйруқ билан Меҳнат Кодексининг 99-моддаси асосида лавозимидан бўшатилиб, 1-тоифали ҳосилот вазифасига ўтказилган. Бироқ, фуқаро меҳнат шартномасини бекор қилиш юзасидан ёзма равишда ариза бермаган. Демак, юқоридаги 19-сонли буйруқ Меҳнат Кодексининг 99-моддасига зид равишда чиқарилган. Бундан ташқари Меҳнат Кодексининг 92-моддаси талабларига биноан ходимни бошқа ишга ўтказиш, унга бошқа мутахассислик топшириш фақат унинг розилиги билан амалга оширилади. Аслида эса фуқаро Ч.Шуқуров бошқа лавозимга ўтишга розилик бермаган, у буйруқ билан таништирилмаган. Унинг аризаси бўйича шугулланган вилоят агроаноат мажмуи хо-

### Сабоқ

димлари касабани уюшма қўмитаси меҳнат ҳуқуқ нозирини А.Сафаров амалдаги қонунларга асосланиб, қуйидаги талабномани ёзди:

Унда жумладан Сурхондарё вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимёвий тадқиқотлар марказининг 2000 йил 13 июлдаги 19-сонли қарори бекор қилиниши:

Меҳнат Кодексининг 3-моддаси талабларига биноан фуқаро Ч.Шуқуров ўз лавозимига тикланиши:

Меҳнат Кодексининг 112-275-моддалари талабларига биноан Ч.Шуқуровга марказ раҳбари ва 1-тоифали ҳосилот иш ҳақи ўртасидаги фарқ тўлаши шартлиги кўрсатилди...

Хуллас, касабани уюшмалари савий-ҳаракати билан ҳақ ўз жойида қарор топиб, бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқи топталишига йўл қўйилмади. Лекин у ўзининг ҳақлигини исботлагунча чеккан азоблари, сарсонгарчиликлардан қўрган зарар қандай ва кимнинг ҳисобидан қопланади?

**Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.**

### Фаргона Давлат университети кутубхонасида

ҳадис илми ва фикшунослик равнақиға улкан ҳисса қўшган йирик аллома, буюк ватандошимиз Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига бағишлаб кўرғазма ташкил этилди. Унда аллома ҳаёти ва фаолияти, маънавий меъроси ҳақида ҳикоя

### АЛЛОМА ҲАҚИДА КЎРҒАЗМА

қилувчи ранг-баранг даърий нашрлар, исломшунос олимлар томонидан яратилган ва ижтимоий ҳаётда кенг қўлланилиб келинган кўплаб китоблар ўрин олган. Мустиқиллик йилларида аллома илмий-маънавий меъросини тўлақонли тарзда ўрганиш, унинг янги-дан-янги қирраларини бугунги замон ёшларига етказиш борасида жойларда амалга оширилаётган ишлар кўрғазма асосини ташкил этади.

**(ЎЗА).**

Нобель мукофоти лауреатлари

Таниқли швед ихтирочис ва тадбиркори Альфред Бернхард Нобель 1895 йили ўз мол-мулк...

Унинг иккинчи жаҳон урушидан сўнг иккига ажратилган Шимолий Корея ва Жанубий Корея республикаларини яқинлаштириш бўйича олиб борган сай-ҳаракатлари, хусусан, шу

ЧЕККА ҚИШЛОҚЛАРГА СПОРТ АНЖОМЛАРИ

Шу йилнинг август ойида «Ҳеч кимга бермаймиз, сени Ўзбекистон» шiori остида фестивал бўлиб ўтганди. Ундан тушган маблағнинг асосий қисмини республикамизда спортни ривожлантиришга сарфлаш назарда тутилганди.

Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси раҳнамолигида спорт анжомларини белгиланган ҳудудларга етказиб бериш ва спорт майдонларини ҳашар йўли билан барпо этиш юзасидан Бухоро вилоятида ҳам талайгина ишлар амалга оширилди.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

Касаба уюшма спорти

ХОТИРА ТУРНИРИ

Садриддин Пахриддинов умрининг охириги ўн йили давомида касаба уюшма қўмитасига раҳбарлик қилди.

Ажойиб инсон фазилати, ташкилотчилиги барчага ибрат эди. У ҳаётда ўзидан яхши ном қолдирди.

Устозни ёд этиш мақсадида қўмитада ўтган йилдан бошлаб «С.Пахриддинов хотира турнири» ўтказишга қарор қилинган эди. Унинг оммавийлигини таъминлаш

учун ушбу хотира турнирига тармоқ касаба уюшмалари тизимига кирувчи ташкилот ходимлари ҳам тақлиф этилди.

Турнирда ўттиздан ортиқ жамоа ташкилотлари иштирок этди. Мусобақалар спортнинг стол тенниси, шахмат ва шашка турлари бўйича гуруҳларга бўлинган ҳолда бир ҳафта давом этди.

Умумжамоа ҳисобида жамиятимиз спортчилари

голибликни қўлга киритишди. Хусусан, стол теннис бўйича баҳслар юқори баҳоланди. Аёллар ўртасидаги шахсий биринчиликда ҳам жамоамиз вакиллари пешқадамлик қилишди.

Мусобақа голиблариға маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг қимматбахо совғалари топширилди.

С.КАМОЛИДДИНОВ, «Наманганқурилиш» ҳиссасдорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси.

МИЛЛИОНЕР ОЛИМЛАР

Бу мукофотлар 1901 йилдан бошлаб бериб келинмоқда. 1968 йили Швеция Марказий банки «Риксбанк»нинг 300 йиллиги муносабати билан ва Нобель хотирасига чуқур эҳтиром юзасидан иқтисодиёт бўйича ҳам мукофот таъсис этилди.

Физика соҳасида россиялик (1930 йили туғилган) Жори Алфёров ярим ўтказгичлар физикаси ва техникаси бўйича ютуқлари учун Нобель мукофотиға тақдим этилди.

Кимё соҳасидаги Нобель мукофоти АҚШ ва Япония олимларига тақдим этиладиغان бўлди. Бу мукофот кондуктив (ўтказувчи) полимерлар ривожига қўшилган ҳисса учун Санта-Барбара (АҚШ)даги Калифорния университети илмий ходими Алан Хигер (1936)га, Филадельфиядаги Пенсильвания университети илмий ходими Алан Мак Дармид (1923)га ва 64 ёшли Тсукуб (Япония) университети илмий ходими Хидеки Широкавага берилди.

Уларнинг илмий ишлари кимё ва физика фанлари учун гоёта аҳамиятлидир.

Адабиёт соҳасидаги мукофот асли хитойлик 60 ёшли Го Синцзуняга берилди. У 60-йиллардан бунён ёзади, «Маданий инкилоб» (1968-1978 йил) даврида жабрланган, 1987 йилдан Францияда истиқомат қилади.

Тинчлик соҳасидаги Нобель мукофоти Жанубий Корея президенти Ким Дэ Чжун (1925)га насиб этди.

йилнинг июн ойида, Ким Чен Ир билан Пхеньянда учрашуви лауреатни аниқлаш чоғида муҳим аҳамият касб этганлиги шубҳасиз.

Иқтисодиёт бўйича мукофот кутилганидек америкалик олимларга насиб этди. Булар, Чикаго ва Калифорния университетлари илмий ходимлари Жеймс Хекман ва Даниэль Макфадденлардир. Уларга бу мукофот микроэконометрика соҳасидаги ютуқлари учун берилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакики, 1969 йилдан бунён 46 олим, шундан 29 та АҚШ олимлари иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотини олишган.

Кўриниб турибдики, бу давлатнинг иқтисодий ривожланиши ҳамда олинаётган мукофотлар ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд.

Сўзимиз сўнггида шуни эслатиб қўйишни истардик: ҳар бир мукофот Нобель фондидаги пул миқдорига қараб ўзгариб туради; бу йил ҳар бир фан (6 та) учун тахминан бир миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилган бўлиб, улар 10 декабрда топширилади.

Абдухалил РАЗЗОҚОВ, ТДИУ профессори.

2000 йил — Соғлом авлод йили



Ҳозирча биз боламиз, Ўсиб катта бўламиз.

Юлдуз билан бўйлашган Баланд уйлар қурамыз.

Футбол

«С» ГУРУҲИ - МУТЛОҚ ФОЛИБ

Башорат тўғри чиқди ва Осиё кубоги кунчиқар мамлакати - Японияга йўл олди

Шундай қилиб, мухлисларни икки ҳафта ҳаяжонда ушлаб турган футбол спектакллари ниҳоясига етди. Чемпион ва совриндорлар аниқланди. Япония - олтин, Саудия Арабистони - кумуш медаллар соҳиби.

Эрон футболчиларининг ярим йўлда тушиб қолганларини истисно қилганда, Осиё кубоги баҳсларида шов-шувли воқеа содир бўлмади. Ҳатто, айтиш мумкинки, Осиё футбол савияси бир мунча ортага кетганлиги сезилди.

Йўқ, бу истехзо эмас. Ахир Осиё кубоги баҳсларидаги иштирокимизнинг футболимизнинг бугунги савиясини чамалай олармидик? Яхши ҳам Япония ва Саудия Арабистони каби жамоаларга рўпара келганимиз, улар кўзимизни каттарок очиб ҳақиқий ахволга ҳолис баҳо беришимизни осонлаштирдилар.

Пойтахтимиздаги МХСК спорт мажмуида юнон-рум кураши бўйича генерал-майор Собир Раҳимов хотирасига бағишланган 26-халқаро турнир ўтказилди. Ушбу мусобақада мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаларидан келган 250 нафарга яқин курашчилар 9 вазн тоифасида голиблик учун баҳс юритдилар.

Генерал Собир Раҳимовнинг унутилмас жасорати ҳамма биз спортчилар эътиборида бўлиб келаётган, деди юнон-рум кураши бўйича республика терма жамоаси мураббийи Рустам Қудратов «Туркистон-пресс» мухбирига.

Анъанавий турнирнинг нуфузи ортиб бораётганини ундаги иштирокчилар сонини ортиб бораётганидан ҳам билсак бўлади.

Мазкур турнир кучлиларни аниқлаб бериш билан бирга 2001 йил август ойида Тошкентда ўтказиладиган Ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати беллашуварларида юртимиз шарафини ҳимоя қилувчи кучли терма жамоани саралаб олиш вазифасини ҳам ўтади.

Сир эмас, бу йил юнон-рум курашчиларимиз Олимпиадада кўнгиладиган натижага эришолмади. Шу боис, Афинада ўтказилажак Олимпиадада уринбосарлардан муносиб замин тайёрлашга ҳозирда ноқ киришишни маъқул топдик.

Негадир ишонгимиз келади, футболимиз яна оёққа туриб олишига. Имоният бор, ҳамма гап ундан жойида фойдаланишда. Бу ёғи мутахассисларга ҳавола. Бизнинг тилагимиз битта - Ливан майдонларида юзи шувит бўлган ўзбек футболнинг ёруғ кунларини тезроқ кўриш.

Муҳаммад ЗАЙНИДИН.

Илҳом ҲАСАН — Бухорои Шарифнинг олимлар макони Шифорконда таваллуд топган. У ёш бўлсада иқтидорли олим, каламидан нуру зиё тўкилувчи ёзувчи, Самарқанд дорилфунуни талабаларининг севимли устози эди.

Тушга яқин сёл илиган ҳаво теримчилар чой ичиб, қайта эгатларга тушунча яна совий бўлади. Кучсиз, аммо ўлғудай совуқ шамол турди. Оёқ остида барглар хунук гижирлайди, муз парчаси каби қисрибди синди.

Келинчак бу даладаги ҳар бир бутани ёд биледи. Йил бўйи неча мар- қараганини тушунди. Қизарди, оқарди, яқин берди йилт этган чигит кўринмаси-да, эгилиб, илгарилари. Уйламасликка, ортага қарамасликка уринди, бўлмади. Уйламай, қарамай бўладими, ахир...

КЕНТ УЙНИНГ КЕЛИНЧАГИ

(Ҳикоя)

Келинчак, ҳаёлига шу ўй келган баробар жунжиқди. Негадир маъюс тортиди. Қўлларига куҳ-куҳлаб эгиларкан, кўнгли номсиз, ададсиз бир илиқлик тусаётганини сезди.

Талаб силаб, сийпаб ўтмади уларни, эҳ-хе... Лекин бирор марта мунчалик совуқ, бегона кўринмаганди улар. Сертафт кўёш ўтида ловуллаб, ёниб қарши олишарди. Даланинг киши билмас бурчидан бир жуфт ёниқ кўзлар жим-гина кузатаётганини сезаркан, ўзининг ҳам тану жонига ўт кетарди. Энди эса... Келинчак дала чеккаларига мўлтираб тикилди — қуп-қурук, кимсасиз. Дугоналари анча илгариллаб кетишибди. Ортага қаради. Ибро яхши бошини лиқиллатиб, ҳижолато-муз, беўхшов илжайди: — Со-ову-қ яхши-и...

Келинчак қалтиради. Кўзига ҳамма нарса — мулоийм-хунук осмон ҳам, бетафт кўёш ҳам, яланғоч бутаю чаноқлар ҳам бало-қазо каби кўринди. Аксига олиб, совуқ қотгани сайин ди-

лидаги мубҳам, илиқ туйғу тобора алангаланди. Бийдай дала қафас каби тор келди. Қани эди, қўлингдан келса-ю, ҳаммасига қўл силкиб ҳаё-ҳўйт деб бош олиб кетсанг... Кетсанг, кетаверсанг, оёқ этгунча кетсанг ва билсангки, қайдадир, оёқ этган жойлардан ҳам нарида кимдир... аллаким сени кутади, зор-зор кутади, кетаверсанг... Кўзлари чақноқ бўлса унинг, ҳар нафасда юз карра куйдириб, ўлдириб, сўнг яна ўзи тирлиртиса... иссиқ кўллардан вужудингга, жону жаҳонингга бир ўт чирмашса, олов оғушида ўзлгингдан кетсанг, ўзлгингни унутсанг,

қўтарган фартугини пайдор, бақувват қўл осонгина юқори олар, баъзан қўл-қўлга бехос тегиб кетар, танларга ширин бир титроқ ўтар, шунда бутун дала катта-кон кўзга айлиб уларга тикилар, ҳатто шамол ҳам бу гуноҳкор бандаларни чўчитишдан ҳадиксиратгандек жим қотарди. Энди эса... Ибро яхши пахтага илашган хас-хашакни эринмай терарди.

— Амаки, табелчига айтарсиз, мен... уйда ишим бор.

— Яхши, яхши, табелчи уришади-да. Аввалгиси яхши эди, кетди, чўлга кетди, тавба, чўлда экиб қўйибдимми,

бўлувди, бугун... нима жин урди ўзи? Эсингни бус-бутун ёб қўйганимисан, тентак қиз, ўйлаб юрган одамнинг қара-ю! Бир пайтлар неки бўлган — бари ўтди-кетди, ҳеч ким билмайди, кулмайди. Энди эслашингга бало борми. Агар сөзиб қолсалар... Келинчак эрини эсларкан, уззукун хаёлини банд этган номаҳрам ўйлар учун уялгандай, қадамини тезлатди. Уйга ошиқди. Хойнаҳой келган бўлсалар, келадиган кунлари бугун. Ўтган ҳафта ҳам кутди, илҳақ кутди, келмадилар. Тун узун азобга айланди. Тонгда ҳўл ёстиқни қайга яширишни билмай боши қотди келинчакнинг.

Қайнота-қайнона ёлғиз ўғилларини тилдан қўйишмайди, икки гапнинг бирида оғизларидан бол томиб мақташди. Ҳазилими, шаҳарда каттакон идорада ишлаш... Келинчакнинг қайсиридан қайсиридан қайнона-си гапларидан қулоғига... дилига қўйилгани шу бўлди: эри ижарада тураркан, ҳўжайкаси уни ер-қўкка ишонмас экан, айниқса, қизи — Маликаҳон, яшашмағур шунақа зебоки, унинг олдида етти иқлимнинг маликаси ўтаверсин — ўша, сочи кесик бўлса ҳам, ўзимизнинг тилимизда бидирлаб, «ажазон, ака» деб атрофида гиргиттон экан, егани олдида, емагани ортида, шаҳризоддай яшаркан, ўх-хў... Қайнота алжираб кетган кампирига лаб бурди, хўрайди, киши билмас қўл силкиди, қайда, шўрлик она кўрган-билганларидан маст, мароқ билан ҳикоя қиларди.

Илҳом ҲАСАНОВ. (Давоми бор).

қетди... Келинчак ялт этиб юқорига қаради: аввалгиси?.. Меровсираб тиркиган кўзлар дош беролмади. Кўнглидаги қолган-қутган сирларини ҳам бой бериб қўядигандек, қўзини олиб қочди. Биладди, ўзини оварликка солиб юради-ю, ҳамма балони биладди. Ибро яхшики сөзгач... шармандалик!

Келинчак юқоридан узадилган этакни юлқиб олди. Бошини эгганча эгталар оралаб кетди. «Аввалгиси яхши эди, кетди, чўлга кетди...» Келинчак унинг кетганини тўйдан сўнг илк бор далага чиққан кунни эшитди. Мийғида қулиб қўйди-ю, йўқ, барибир, дилининг аллақайси бурчи ачишди. Ачишганига қасдма-қасд кудди, кудлирди, оқибат унутди. Буткул унутгандай

келди... Келинчак ялт этиб юқорига қаради: аввалгиси?.. Меровсираб тиркиган кўзлар дош беролмади. Кўнглидаги қолган-қутган сирларини ҳам бой бериб қўядигандек, қўзини олиб қочди. Биладди, ўзини оварликка солиб юради-ю, ҳамма балони биладди. Ибро яхшики сөзгач... шармандалик!

Келинчак юқоридан узадилган этакни юлқиб олди. Бошини эгганча эгталар оралаб кетди. «Аввалгиси яхши эди, кетди, чўлга кетди...» Келинчак унинг кетганини тўйдан сўнг илк бор далага чиққан кунни эшитди. Мийғида қулиб қўйди-ю, йўқ, барибир, дилининг аллақайси бурчи ачишди. Ачишганига қасдма-қасд кудди, кудлирди, оқибат унутди. Буткул унутгандай

Илҳом ҲАСАНОВ. (Давоми бор).

КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимиздаги МХСК спорт мажмуида юнон-рум кураши бўйича генерал-майор Собир Раҳимов хотирасига бағишланган 26-халқаро турнир ўтказилди. Ушбу мусобақада мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаларидан келган 250 нафарга яқин курашчилар 9 вазн тоифасида голиблик учун баҳс юритдилар.

Генерал Собир Раҳимовнинг унутилмас жасорати ҳамма биз спортчилар эътиборида бўлиб келаётган, деди юнон-рум кураши бўйича республика терма жамоаси мураббийи Рустам Қудратов «Туркистон-пресс» мухбирига.

Анъанавий турнирнинг нуфузи ортиб бораётганини ундаги иштирокчилар сонини ортиб бораётганидан ҳам билсак бўлади.

Мазкур турнир кучлиларни аниқлаб бериш билан бирга 2001 йил август ойида Тошкентда ўтказиладиган Ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати беллашуварларида юртимиз шарафини ҳимоя қилувчи кучли терма жамоани саралаб олиш вазифасини ҳам ўтади.

Сир эмас, бу йил юнон-рум курашчиларимиз Олимпиадада кўнгиладиган натижага эришолмади. Шу боис, Афинада ўтказилажак Олимпиадада уринбосарлардан муносиб замин тайёрлашга ҳозирда ноқ киришишни маъқул топдик.

«Туркистон-пресс»

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Тахрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир кўртакчи; 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақидиланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотулада эркин нарҳда. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаханаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 21.00.